

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА
ҚЎМИТАСИНING БОЖХОНА ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

ҲАМРОЕВ УЛУҒБЕК РУСТАМОВИЧ

**ЕНГИЛ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЁҚИЛҒИЛАРИНИ
ТОВАРЛАР НОМЕНКЛАТУРАСИ АСОСИДА ТАСНИФЛАШ
ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.09 -Товарлар кимёси
05.01.08 - Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни
автоматлаштириш ва бошқариш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Ҳамроев Улуғбек Рустамович

Енгил автотранспорт воситалари ва ёқилғиларини товарлар номенклатураси
асосида таснифлаш тизимини ишлаб чиқиш3

Ҳамроев Улуғбек Рустамович

Разработка системы классификации легковых автотранспортных средств и
топлива по товарной номенклатуре21

Hamroev Ulugbek Rustamovich

Development of passenger vehicles and fuel classification system by commodity
nomenclature39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА
ҚЎМИТАСИНING БОЖХОНА ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

ҲАМРОЕВ УЛУҒБЕК РУСТАМОВИЧ

**ЕНГИЛ АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ВА ЁҚИЛҒИЛАРИНИ
ТОВАРЛАР НОМЕНКЛАТУРАСИ АСОСИДА ТАСНИФЛАШ
ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.09 -Товарлар кимёси
05.01.08 - Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни
автоматлаштириш ва бошқариш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Т1781 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Давлат божхона кўмитасининг Божхона институти ва Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tkti.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:	Каримкулов Курбонкул Мавланкулович техника фанлари доктори, профессор Севинов Жасур Усмонович техника фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Баратов Дилшод Хамидуллаевич техника фанлари доктори, доцент Абдугафуров Ибрагимджан Азизович кимё фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Андижон давлат университети

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.K/T.04.02 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «20» «25» соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А.Навоний кўчаси, 32. Тел.: (99871) 244-79-21, факс : (99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz, tkti_info@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (104 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоний кўчаси, 32. Тел.: (99871) 244-79-21.

Диссертация автореферати 2021 йил «10» «25» куни тарқатилди.
(2021 йил «10» «25» даги 11 рақамли реестр баённомаси)



Х.Л.Пулатов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор
Ф.Б.Игитов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш котиби, PhD, доцент
Д.А.Рахимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги бир марталик илмий
семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда янги тур маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш бориши божхона мақсадлари учун товар хусусиятлари, унинг бажарадиган вазифаси, кимёвий, физик-кимёвий таркибини таснифлаш, уни идентификациялаш, мос товар кодини аниқлаш орқали халқаро иқтисодий муносабатларда эркин ҳаракатланиши, ҳуқуқий ҳимоялашда алоҳида эътибор қаратилади. Бу соҳада Ташқи иқтисодий фаолиятнинг товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) асосида товар хусусиятларини таснифлаш тизимини ишлаб чиқиш ва ушбу жараёни автоматлаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан ТИФ ТН асосида автотранспорт воситалари ва ёқилғиларини товар сифатида хусусиятларини, унинг бажарадиган вазифаси, кимёвий, физик-кимёвий таркибини таснифлаш, идентификациялаш, мос товар кодини божхона мақсадлари учун аниқлашнинг самарали усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда ТИФ ТН асосида товар хусусиятларини идентификациялаш, таснифлаш, тасниф кодини тўғри аниқлаш, ташқи иқтисодий фаолият (ТИФ)ни тартибга солишнинг бож-тариф ва нотариф чора-тадбирларини тўғри амалга ошириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада энгил автотранспорт воситаларини ТИФ ТН бўйича таснифлашда давлат бюджетига тўловлар тушумини кам ундирилишига сабаб бўлаётган омилларни таҳлил қилиш, энгил автотранспорт воситалари хусусиятлари ва АИ-маркали ёқилғиларининг мезонлар асосида таснифлашнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш, халқаро иқтисодий муносабатларда товар хусусиятларини жаҳон божхона ташкилотининг уйғунлаштирилган тизими асосида таснифлаш тизимини, товар кодини инсон омилсиз аниқлашнинг усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда божхона амалиётига қўллашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиздан товар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали кесиб ўтишида божхона тартибларини кескин соддалаштириш, халқаро савдо айланмасига қулай шарт-шароитлар яратиш, ТИФ иштирокчилари учун божхона расмийлаштируви жараёнини тизимли соддалашига олиб келадиган тизимларни яратиш бўйича илмий ва назарий натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...экспорт-импорт операциялари амалга оширишни янада такомиллаштириш, расмийлаштириш муддатларини, зарур ҳужжатлар сонини ҳамда харажатларни қисқартириш»¹га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан ТИФ иштирокчилари учун товарларни электрон божхона расмийлаштируви жараёнини тезлаштириш, уларга қулай “экспресс” тезкор усулларни хавола қилиш, товар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

хусусиятларини ТИФ ТН асосида тўғри таснифлаш тизимини, унинг усул ва алгоритмларини яратиш жуда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 5 июндаги ПФ-6005-сон «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадаллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар», IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Енгил автотранспорт воситалари ва ёқилғиларини товарлар номенклатураси асосида таснифлаш тизими бўйича ўтказилган тадқиқотларга тегишли бўлган, сўнгги йиллардаги илмий-техник адабиётлар таҳлили ушбу соҳада аҳамиятли даражадаги назарий ва амалий натижаларга эришилганлигидан дарак беради. Товарларни ТИФ ТНга мувофиқ идентификациялаш ва таснифлаш методологиясининг ривожига, автотранспорт воситаларини моделларини такомиллаштириш йўналишларида кўплаб хорижий олимлар, жумладан Е.И.Андреева, Н.Н.Алексеева, С.Н.Гамидуллаева, О.А.Кудряшова, М.А.Николаева, Н.П.Яценко, С.В.Барамзин, Л.Е.Басовский, Б.Н.Габричидзе, Ю.Н.Чалых ва бошқалар ҳамда мамлакатимиз олимлари, жумладан И.Р.Асқаров, А.А.Ибрагимов, Ғ.Х.Ҳамрокулов, К.М.Каримкулов, Л.Т.Пулатова, Б.Ё.Абдуғаниев, Ш.М.Киргизов, Н.Тўхтабоев, А.М.Жўраев, С.М.Қодиров, Б.А.Ходжаев, А.А.Мухитдинов, К.Х.Азизов, Ж.Р.Қулмухамедов, А.А.Шермухамедов ва бошқалар ўзларининг улкан ҳиссаларини кўшишган.

Шу билан бирга, илмий-тадқиқотлар доирасининг доимий равишда мураккаблашиши ва кенгайиши сабабли мамлакатимизга четдан импорт қилинадиган енгил автотранспорт воситалари ва ёқилғиларининг товар тавсифини идентификациялаш орқали ТИФ ТН бўйича код рақамларини тўғри аниқлаш, ташқи савдо статистикасини тўплашда, импорт божхона тўлови ставкасида, божхона қийматини назорат қилишда, имтиёз ва преференцияларини қўллашда, таъқиқ ва чекловлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, божхона статистикасини тўғри олиб бориш, божхона тўловларини тўғри ундирилиши имкониятини яратиб беради.

Юқорида келтириб ўтилганлардан енгил автотранспорт воситалари ва ёқилғиларини товарлар номенклатураси асосида таснифлаш тизимини ишлаб

чиқиш ҳамда уларни келгусида такомиллаштиришнинг жуда зарурлиги келиб чиқади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Давлат божхона кўмитаси Божхона институти ва Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ОТ-Ф4-78 – «Идентификацион ёндашув асосида динамик объектларни адаптив бошқариш системалари синтезининг назарий асослари ва мунтазам усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади енгил автотранспорт воситалари ва ёқилғиларини товарлар номенклатураси асосида таснифлаш тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикасига экспорт ва импорт қилинаётган енгил автотранспорт воситалари ва АИ-маркали ёқилғиларини ТИФ ТН асосида декларацияланаётган товарларни муайян ўн рақамли подсубпозицияда таснифлаш қонуниятини ўрганиш;

енгил автотранспорт воситаларини ТИФ ТН бўйича таснифлашда давлат бюджетига тўловлар тушумини кам ундирилишига сабаб бўлаётган омилларни таҳлил қилиш;

енгил автотранспорт воситалари турлари, уларнинг техник характеристикалари ва АИ-маркали ёқилғиларининг кимёвий таркиби асосида янги товар кодларини ишлаб чиқиш, уларни тавсифлаш ва изоҳлар тайёрлаш;

енгил автотранспорт воситалари хусусиятлари ва АИ-маркали ёқилғиларининг мезонлар асосида таснифлашнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш;

ишлаб чиқилган енгил автотранспорт воситалари ва ёқилғиларини таснифлаш тизимидаги усуллар ва моделларни ТИФда хизмат кўрсатувчи декларантлар, ТИФ қатнашчилари, тадбиркорлик субъектлари товар коди мутаносиблигини аниқлашларида қўллаш учун таклиф этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида экспорт ва импорт қилинадиган енгил автотранспорт воситалари, ТИФ ТН бўйича 8703 товар позицияси, АИ-маркали автотранспорт ёқилғилари, ТИФ ТН бўйича 2710 товар позицияси, БЮДнинг 31, 33, 35, 38, 41, 44, 47 - графалари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятининг товарлар номенклатураси (2017 йил версия) олинган.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикаси ТИФ ТНнинг 8703 товар позициясига кирувчи енгил автотранспорт воситалари, ТИФ ТНнинг 2710 товар позициясидаги АИ-маркали ёқилғилари, таснифлашни идентификациялаш, иерархик, фасет ва тавсифловчи усуллари ҳамда божхона экспертизасини тўғри ташкил этишга хизмат қилувчи тезкор усуллардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. ТИФ ТНни талқин этишнинг 6 та ОПИ (ОПИ - основные правила интерпретация) қоидалари, идентификациялаш, иерархик, фасет, тавсифловчи ва вариацион ёндошув, АИ-маркали ёқилғиларининг

кимёвий таркибини таҳлил қилишнинг моторли ва тадқиқот каби усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

товар коди ва бож ставкаларига узвий боғлиқлигини таъминлаш механизмини такомиллаштиришда ТИФ ТНнинг 8703 товар позициясига тегишли бўлган энгил автотранспорт воситаларини таснифлашнинг 4 босқичли тоифалаш усуллари ишлаб чиқилган;

республикамизда ишлаб чиқарилаётган миллий энгил автотранспорт воситалари учун жами 3 та янги код рақамлари ишлаб чиқилган;

экспорт қилинаётган ТИФ ТНда 2710 товар позициясидаги автотранспорт ёқилғиларининг кимёвий таркиби асосида АИ-маркали ёқилғилар учун жами янги 6 та товар кодлари ишлаб чиқилган;

вариацион ёндошув мезонлари асосида энгил автотранспорт воситаларининг хусусиятларини идентификациялаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

товарлар номенклатураси асосида энгил автотранспорт воситаларининг хусусиятларини таснифлашнинг автоматлаштирилган модели ҳамда ишончлилигини баҳолаш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

БЮДнинг 31-графаси учун шаклий назорат, мантиқий назорат текширув усуллари қўллаш билан 4 босқичли тоифалаш усуллари БЮДнинг 33-графаси товар коди билан интеграцияси автоматлаштирилган;

миллий энгил автотранспорт воситаларини техник хусусиятларини деталлаштириш орқали ТИФ ТНнинг янги миллий 3 та ўн бир хонали 87032210902, 87032210903, 87032210904 товар кодлари ишлаб чиқилган;

“Моторли” ва “Тадқиқот” усулларида АИ-маркали ёқилғилар учун октанлар сони, таркибидаги қўрғошинлар ва олтингугурт миқдори, амалдаги ТИФ ТН код рақамлари (тадқиқот усули) ҳамда автомобиль бензини хусусиятларига қўйиладиган 21 дан ортиқ кимёвий таркиби бўйича талабларнинг 3 та параметри асосий мезон сифатида танлаб олиниб, жами 6 та янги ТИФ ТН код рақамлари (27101241011, 27101241021, 27101241031, 27101245001, 27101249001, 27101259001) ишлаб чиқилган;

энгил автотранспорт воситаларини техник хусусиятларини таснифлашда БЮДнинг 31-графасида товар тавсифи инсон омили иштирокисиз товар кодини белгилаб берадиган модел асосида автоматлаштирилган ахборот тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги автотранспорт воситаларини таснифлаш усуллари, интерпретация қилишнинг асосий қоидалари (ОПИ - основные правила интерпретация), идентификациялаш, тоифалаш усуллари қўлланилиши билан асосланган, замонавий математик-статистик таҳлил қилишнинг синондан ўтган усул ва алгоритмларини ишлатилиши, таклиф этилган усул ва алгоритмларни талаб даражасида яқинлиги, назарий ва амалий тадқиқот натижалари ҳамда уларнинг ўзаро мувофиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти товарлар номенклатураси бўйича енгил автотранспорт воситаларининг хусусиятлари ва АИ-маркали ёқилғиларининг кимёвий таркиби, физик-кимёвий хоссалари асосида таснифлаш тизими, унинг усуллари, алгоритмлари ва моделини, ҳамда миллий товарлар номенклатураси учун янги товар кодларини ишлаб чиқишга асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти товарлар номенклатураси асосида товар тавсифининг бирламчи маълумотларини идентификациялашда иерархик ва тоифалаш усуллариининг математик, алгоритмик таъминоти ва унинг моделини ишлаб чиқиш, божхона назоратида идентификация қилишда яратилган янги кодлар билан изоҳланади. Ишлаб чиқилган товар тавсифини таснифлаш тизимининг тоифалаш усуллари, янги товар кодларини божхона амалиётида электрон божхона расмийлаштирувида кенг қўлланилишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Енгил автотранспорт воситалари ва ёқилғиларини ТИФ ТН асосида таснифлаш тизимини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

товар тавсифи, товар коди ва бож ставкаларига узвий боғлиқлигини таъминлаш механизмини такомиллаштиришда ТИФ ТНнинг 8703 товар позициясига тегишли бўлган енгил автотранспорт воситалари учун ишлаб чиқилган таснифлашнинг 4 босқичли тоифалаш усуллари Давлат божхона қўмитасида амалиётга жорий этилган (Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 22 декабрдаги 1/16-433-сон маълумотномаси). Натижада, 4 босқичли тоифалаш усуллари божхона юк декларацияси (БЮД) нинг 31-графаси шаклий-назорат, мантиқий назорат текширув усуллари билан БЮДнинг 33-графаси интеграцияси мувофиқлаштириш имконини берган;

енгил автотранспорт воситаларини техник характеристикаларини 4 босқичли тоифалаш усули орқали ТИФ ТНнинг янги 87032210902, 87032210903, 87032210904 товар кодлари, ҳамда “Моторли” ва “Тадқиқот” усулларида АИ-маркали ёқилғилар учун автомобиль бензини хусусиятларини аниқлаш бўйича 27101241011, 27101241021, 27101241031, 27101245001, этилган (Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 22 декабрдаги 1/16-433-сон маълумотномаси). Натижада, таклиф этилган ТИФ ТН асосида янги товар кодлари божхона божлари тўғри ва тўлиқ ундирилиши, божхона статистикаси тўғри юритилиши, шунингдек миллий иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш имконини берган;

енгил автотранспорт воситаларини таснифлашнинг тоифалашган усуллари, унинг математик, алгоритми ва модели асосида автоматлаштирилган ахборот тизими Давлат божхона қўмитасида амалиётга жорий этилган (Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 22 декабрдаги 1/16-433-сон маълумотномаси). Натижада, товарларнинг бирламчи маълумотларни божхона расмийлаштируви жараёнида идентификациялаш, товар хусусиятларини тизимли таҳлил қилиш, электрон божхона

расмийлаштирувида ТИФ иштирокчилари учун қулайликлар яратилиши, ҳамда хатоликсиз ва қисқа муддатларда божхонада расмийлаштириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот иши натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шулардан 5 таси – Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрлардаги мақолалар, жумладан, 3 таси хорижий ва 2 таси республика журналларида, халқаро ва республика анжуманларида 9 та тезис нашр этилган. Шунингдек, ЭҲМ учун дастурий маҳсулотларга рўйхатдан ўтган 1 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 129 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, тадқиқот натижаларини апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Хорижий мамлакатлари ва республикамизда ишлаб чиқарилаётган енгил автомобилларнинг таснифланиши**» деб номланган биринчи бобида автотранспорт воситаларини ривожланиш босқичларида товар сифатида таснифлашнинг илмий асослари, хориж давлатларида енгил автотранспорт воситаларининг таснифи, Ўзбекистон Республикасида автомобилсозлик саноатида енгил автомобилларнинг таснифланиши, автотранспорт воситалари ва АИ-маркали ёқилғиларини ТИФ ТН бўйича таснифлашнинг хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили асосида ёритиб берилган. Автотранспорт воситаларини хорижий мамлакатларда товар сифатида ТИФ ТН бўйича таснифлашнинг илмий асослари ишлаб чиқилмаганлиги, автомобилсозлик соҳасида олимлар томонидан кўпроқ автомобиль дизайни, унинг модификацияланган моделини ишлаб чиқиш, кўпроқ иқтисодий ва экологик тоза автомобилларни ишлаб чиқаришга ўтиш, ҳамда дунё бозорида ўз рейтингни сақлаб қолиш устида ишлар олиб борилган. Хорижий мамлакатларда ишлаб чиқариладиган автомобилларнинг асосий техник хусусиятлари таснифланишидан маълум бўлдики, автомобилларни ягона ТИФ ТН бўйича таснифланиш тизимини такомиллаштириш талаб этилади. Республикамизда ғилдиракли транспорт

воситалари категориялари тоифаланиш категориялари яратилган, бироқ божхона мақсадлари учун экспорт ва импорт операцияларида БЮДнинг 31-графасида товар тавсифида таснифлаш мезонлари ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли диссертациянинг асосий мақсади энгил автотранспорт воситалари тоифаларининг хусусиятлари ва АИ-маркали ёқилғиларини кимёвий таркибини ТИФ ТН бўйича таснифлаш тизимини ишлаб чиқишдан иборат. Бирламчи маълумотларни идентификациялашнинг илмий асосланган усулларини, товар тавсифини ТИФ ТНга боғлиқ бўлган техник хусусиятларини автоматлаштирилган моделини ишлаб чиқиш, ҳамда божхона амалиётига тадбиқ этиш муҳимлиги исботланган.

Диссертациянинг «**ТИФ ТНга мувофиқ энгил автотранспорт воситаларини таснифлаш**» деб номланган иккинчи бобида ТИФ ТНда М тоифадаги транспорт воситалари, уларни таснифлаш усуллари ва қоидалари, ТИФ ТНга мувофиқ таснифлаш муаммолари, БЮДда транспорт воситаси турларини товар сифатида таснифлашда хорижий мамлакатлар тажрибалари ўрганилган.

8703 товар позицияси таҳлил қилинганда, энгил автотранспорт воситаларининг турлари техник хусусиятлари ўзгариши товар бўлими, товар гуруҳи, товар позицияси, товар субпозицияси, товар подсубпозицияси тартибида белгиланган.

ТИФ ТН 8703 товар позициясида ҳар бир товар кодининг келиб чиқиши таҳлил қиладиган бўлсак, унда автомобилнинг двигатель тури, двигатель ҳажми, фойдаланиш мақсади, ишлаб чиқарилган йили, илгари фойдаланганлиги каби параметрларга боғлиқ.

Республикамиз автомобиль саноати соҳасида ҳозирги кунгача бир нечта ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд бўлиб, улар фаолияти давомида янги модификацияли турли моделлар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, қуйидаги 1-жадвалда Ўзбекистонда “Uzavto Motors” қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган энгил автотранспорт воситаларининг турлари, уларнинг техник хусусиятлари, ТИФ секторида салмоқли улуши, ҳамда божхона мақсадлари учун божхона тўловларини ундиришда ТИФ ТН бўйича товар коди келтирилган.

8703 товар позицияси энгил автотранспорт воситаларининг техник хусусиятларини таҳлил қиладиган бўлсак, уларни иерархик таснифлашда 4 босқичли тоифалаш усуллари таклиф этилади.

Буларга,

1. таъқиқловчи мезонларига эга бўлган параметрлари;
 2. идентификациялаш босқичи эга бўлган параметрлари;
 3. мажбурийлик хусусиятига эга бўлган параметрлари (вазифаси бўйича);
 4. мажбурий хусусиятига эга бўлмаган параметрлари.
- Тоифалаш усуллари 2-жадвалда келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган учқунли ўт олдириш енгил автотранспорт моделларини экспорт ёки импорт қилинишида уларнинг техник хусусиятлари

№	Характеристикаси	Двигатель ҳажми								
		Учқунли ўт олдириш 1000 см ³ дан кўп бўлмаган	Учқунли ўт олдириш 1000 см ³ дан кўп 1500 см ³ кўп бўлмаган			Учқунли ўт олдириш 1500 см ³ дан кўп 3000 см ³ кўп бўлмаган		Учқунли ўт олдириш 3000 см ³ кўп бўлган		
		Машина модели								
		MATIZ	SPARK	NEXIA 3	COBALT	LACETTI	MALIBU	EQUINOX	TRAILBLAZER / TRAVERSE	ТАНОЕ
1	ТИФ ТН коди (2017 йил амалда)	870321	8703221099	8703221099	8703221099	8703221099	8703231981	870323	8703241090	8703241090
2	Двигатель тури	V3(3) - V(4)	V4 (4)	V4 (4)	V4 (4)	V4 (4)	V4 (4)	V4 (4)	V6 (6)	V6 (6)
3	Двигатель иш ҳажми см ³	796, 995	1250	1485	1485	1485	1490, 1998 ва 2490 гача	1998	3564	6162
4	Функционал мақсади	Енгил	Енгил	Енгил	Енгил	Енгил, седан	Енгил, седан	Йўл танламайди	Йўл танламайди	Йўл танламайди
5	Эшиклар сони	4	4	4	4	4	4 / 5	4	4/5	4/5
6	Ўриндиклар сони	5	5	5	5	5	5	5	7	7
7	Экологик классификацияси		Еуро 4	Еуро 5	Еуро 4	Еуро 5	Еуро 5	Еуро 5	Еуро 5	Еуро 5
8	Ёнилғи истеъмоли	Бензин	Бензин	Бензин	Бензин	Бензин	Бензин	Бензин	Бензин	Бензин
9	Ишлаб чиқариш сертификати	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд	мавжуд
10	Нархи (\$)	-	73 477 000 сўм	87 320 000 сўм	95 768 000 сўм	114 449 000 сўм	278 322 334 сўм	35 000\$	36 000\$/54 000\$	70 000\$

**8703 товар позициясида энгил автотранспорт воситаларини БЮДнинг
31-графаси тавсифини 4 босқичли тоифалаш**

№	Тоифа номи	Техник хусусиятлари бўйича таснифлаш
8703 товар позициясига транспорт воситаларининг турлари		
1.	1. Қор устида юришга мўлжалланган махсус энгил автомобиль	-
	2. Гольф арвалари	-
	3. Яшаш учун мўлжалланган энгил автомобиль	-
	4. Спорт автомобиллари	-
	5. Махсус ва тиббиёт энгил автомобиллари	-
2.	Таъқиқловчи мезонларига эга бўлган параметрлари	<p>1. автомобилнинг тўлиқ номи (LADA X-RAY);</p> <p>2. Гост; М категория балонлар сони 4 тадан кам бўлмаган ва фақат йўловчиларни ташишига мўлжалланган;</p> <p>М1-ҳайдовчидан ташқари 8 та йўловчидан кўп бўлмаган;</p> <p>М2-ҳайдовчидан ташқари 8 та йўловчидан кўп бўлмаган оғирлиги 5 тоннадан кўп бўлмаган;</p> <p>М3 - ҳайдовчидан ташқари 8 та йўловчидан кўп бўлмаган оғирлиги 5 тоннадан кўп бўлган категориялари бўйича;</p> <p>3. электр мобиллар;</p> <p>4. экологик классификация (евро 4, евро 5);</p> <p>5. мувофиқлик сертификати.</p>
3.	Идентификациялаш босқичи эга бўлган параметрлари	1. Ишлаб чиқарилган йили
		- Илгари ишлатилган, ишлаб чиқарилган вақтидан бошлаб 7 йилдан кўп;
		- Илгари ишлатилган, ишлаб чиқарилган вақтидан бошлаб 5 йилдан кўп 7 йилдан кам бўлган;
		2. Двигатель тури
		- учқунли ўт олдириш;
		- сиқилишдан ўт олдириш.
		3. Двигатель ҳажми (учқунли)
		1. учқунли ўт олдириш 1000 см ³ дан кўп бўлмаган
		2. учқунли ўт олдириш 1000 см ³ дан кўп 1500 см ³ кўп бўлмаган
		3. учқунли ўт олдириш 1500 см ³ дан кўп 3000 см ³ кўп бўлмаган
4. учқунли ўт олдириш 3000 см ³ кўп бўлган		
(сиқилишдан ўт олдириш)		
1. сиқилишдан ўт олдириш 1500 см ³ дан кўп бўлмаган;		
2. сиқилишдан ўт олдириш 1500 см ³ дан кўп 2500 см ³ кўп бўлмаган		
3. сиқилишдан ўт олдириш 2500 см ³ дан кўп бўлмаган		
4.	Мажбурийлик хусусиятига эга бўлган параметрлари (вазифаси бўйича)	1. Двигатель рақами
		2. ўриндиқлар сони – 5 ва ундан кўп ва 8 та гача бўлган
		3. кузов рақами
		4. жиҳозланган оғирлиги
		5. VIN рақами
5.	Мажбурий хусусиятига эга бўлмаган параметрлари	1. ишлаб чиқариш сертификати

БЮДа энгил автотранспорт воситалари турларини ТИФ ТН бўйича таснифлашнинг аниқ мезонлари ишлаб чиқилди. Республикамизда амалдаги ТИФ ТНни янги миллий товарлар номенклатураси базасини такомиллаштириш зарурлиги асосланди.

Диссертациянинг «**Божхона юк декларациясида энгил автотранспорт воситаларининг тавсифини тоифалаш, уни математик моделлаштириш ва алгоритмлаш усуллари**» деб номланган учинчи бобида Республикамизга 2017 йил 1 январдан 2020 йил 30 апрелига қадар 8703 товар позицияси бўйича импорт режимида расмийлаштирилган БЮДларининг 33-графаси “Товар коди”, 15-графаси “Жўнатувчи мамлакат”, 31-графа товар тавсифи бўлимларига нисбатан ўрганилди. Бунда, Россия, АҚШ, Германия, БАА, Хитой, Жанубий Корея, Литва, Грузия, Таиланд, Қозоғистон, Польша, Украина, Нидерландия, Вьетнам ва ҳ.к.з. жами 55 та мамлакатдан импорт қилинган 14687 та энгил автотранспорт воситаларининг 58 та товар коди бўйича таснифловчи техник хусусиятлари таҳлил қилинди.

Миллий энгил автотранспорт воситаларини техник хусусиятларини аниқ деталлаштириш, товар тавсифини таснифлашда миллий ТИФ ТНда янги миллий код рақамларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.


Шу сабабли миллий ишлаб чиқарилган “Nexia R3” энгил автомашинасининг двигатель иш сиғими учун 1485 см³ учун - 87032210902, миллий ишлаб чиқарилган “Cobalt” энгил автомашинасининг двигатель иш сиғими учун 1485 см³ учун - 87032210903, миллий ишлаб чиқарилган “Lacetti” энгил автомашинасининг двигатель иш сиғими учун 1485 см³ учун - 87032210904 янги код рақамлари тавсия этилди (3-жадвал).

3-жадвал.

Миллий энгил автотранспорт воситаларига тавсия этилаётган товарлар коди


ТИФ ТН коди	Позиция номи	Қўшимча ўлчов бирлиги.
8703 22	– – с рабочим объемом цилиндров двигателя более 1000 см ³ , но не более 1500 см ³ :	
8703 22 10	---- новые:	
8703 22 101 0	– – – –автомобили, специально предназначенные для медицинских целей	шт
8703 22 109	----- прочие:	шт
8703 22 109 1	– – – – – моторные транспортные средства, оборудованные для проживания	шт
+8703 22 109 9	----- прочие:	
+		
+8703 22 109 02	----- с рабочим объемом цилиндров двигателя 1485 см ³ “Nexia R3”	шт
+8703 22 10903	----- с рабочим объемом цилиндров двигателя 1485 см ³ “Cobalt”	шт
+8703 22 10904	----- с рабочим объемом цилиндров двигателя 1485 см ³ “Lacetti”	

Энгил автотранспорт воситалари товар тавсифини бојхона мақсадлари учун таснифлашда товар тавсифини таснифлаш тизими (1-расм), ТИФ ТНга мувофиқ техник хусусиятларини автоматлаштирилган таснифлаш модели қурилди (2-расм).



1-расм. Енгил автотранспорт воситаларининг божхона мақсадлари учун товар тавсифини таснифлаш тизими

Таснифлаш тизимида (1-расм) двигатель тури, двигатель ҳажми, автомобиль модели, ишлаб чиқарилган йили товар тавсифининг бирламчи маълумотлари сифатида хизмат қилади. Автотранспортнинг юқоридаги келтирилган маълумотлари товар тавсифи бўйича товар коддини автоматик аниқлаб олишда амалий ёрдам беради.



2-расм. Енгил автотранспорт воситаларини техник хусусиятларини таснифлашнинг автоматлаштирилган модели

Бирламчи маълумотларни таснифлашда идентификациялаш муаммосини ҳал қилишда вариацион ёндашув усули ҳам қўлланилади. Масалан,

$$J = \sum_{j=1}^r \int_{B_j} [y - \tilde{F}_j(x, a_j)]^2 p(x) dx \quad (1)$$

функционал ёндашувга мувофиқ бўлакли аппроксимация алгоритмини ишлаб чиқиш учун δJ (1) функционалнинг биринчи ўзгаришини кўриб чиқиш ва функционал J экстремумининг зарурий шarti бажарилишини таъминлайдиган алгоритмни ишлаб чиқиш керак: $\delta J=0$. Хarakterистика r функционални минималлаштиришда қатнашмайди, яъни B_j минтақалар сони олдиндан белгиланади (масалан, мутахассис маслаҳати билан).

δJ вариацияси иккита мустақил қисмга бўлинади: $\delta J = \delta_1 J + \delta_2 J$, бу ерда $\delta_1 J$ - маҳаллий регрессияларнинг a_j характеристикаларининг ўзгариши; $\delta_2 J - J$ ни қисмларга бўлиш вариацияси, яъни, B_j ҳудудлари чегаралари бўйлаб. $\delta_1 J$ ва $\delta_2 J$ тафовутлари мустақил равишда қабул қилинганлиги сабабли, J функционал экстремум учун зарур шартни қуйидаги шаклда қайта ёзиш мумкин: $\delta_1 J = 0 \cup \delta_2 J = 0$.

Умумийликни чекламасдан, ихчамроқ формулани тақдимот учун функционал имкониятларни минималлаштириш учун зарур шартларни инобатга олиб, $r = 2$ деб қабул қиламиз.

$$\int_{B_j} [y - \tilde{F}_j(x, a_j)]^2 \nabla_{a_j} \tilde{F}_j(x, a_j) p(x) dx = 0, \quad j = 1, 2, \quad (2)$$

$$\Phi(x, y) = [y - \tilde{F}_1(x, a_1)]^2 - [y - \tilde{F}_2(x, a_2)]^2 = 0, \quad x \in \Lambda, \quad (3)$$

бу ерда ∇ - градиент оператори, $\Lambda - B_1$ ва B_2 минтақаларни ажратиб турадиган юзанинг бўлакча-силлиқ чегараси, $\Phi(x, y)$ - дискриминант функция.

(2), (3) тенгламалар тизимини ечиш учун стохастик аппроксимация туридаги итератив процедурадан фойдаланиш таклиф этилади:

$$\alpha_j^{(n+1)} = \alpha_j^{(n)} - \text{sign} \Phi[x(n+1), y(n+1)]^Y j(n+1)^* \quad (4a)$$

$$* \left\{ y(n+1) - F_j[x(n+1), \alpha_j^{(n)}] \right\} \nabla_{a_j} \tilde{F}_j[x(n+1), \alpha_j^{(n)}],$$

$$\Phi[x(n+1), y(n+1)] = \left\{ y(n+1) - \tilde{F}_j[x(n+1), \alpha_j^{(n)}] \right\}^2 - \left\{ y(n+1) - \tilde{F}_2[x(n+1), \alpha_2^{(n)}] \right\}^2, \quad j = 1, 2. \quad (4b)$$

Дискриминант функция учун (3) ифода $\Phi(x, y)$ фақат кузатувларнинг маълум бир намунаси учун муайян y характеристикани ўз ичига олганлиги сабабли, ушбу қарор қоидасидан башорат қилиш учун фойдаланиб бўлмайди. Шу сабабли, дискриминант функция фақат кириш характеристикаларига қараб $f(x)$ функция сифатида тузилиши керак.

$f(x)$ функцияни тахминий тузиш учун тасвирни аниқлайдиган алгоритмларидан фойдаланиш мумкин. Бу ҳолда кузатувлар $(y_t, x_t) = (y_t, x_t^{(1)}, \dots, x_t^{(k)}) \in \tilde{X} = R^{k+1}$, $t = 1, \dots, N$ ўқув намунаси сифатида

ишлатилади ва $\text{sign } \Phi(x, y)$ қийматлари x нуктаси қаерда жойлашганлиги тўғрисида маълумотни ўз ичига олган ўқув сигналлари сифатида қабул қилинади: B_1 да (агар $\text{sign } \Phi(x, y) = 1$) ёки B_2 да (агар $\text{sign } \Phi(x, y) = -1$ бўлса).

$f(x)$ функцияни тахминий ҳисоблаш учун потенциал функциялар усули асосида такрорланадиган алгоритмдан фойдаланиш мумкин. Ушбу алгоритм ва тенглама (4а) аслида мослашувчан бўлакли аппроксимация алгоритмини ташкил этди.

Диссертациянинг «**Енгил автотранспорт воситалари АИ-маркали ёқилғиларни ТИФ ТН асосида таснифлаш**» деб номланган тўртинчи бобида двигатель бензинларининг кимёвий таркиби, физик-кимёвий кўрсаткичлари, уларнинг сифатига қўйиладиган ГОСТ стандартлари бўйича нормалар ва талаблар, ўртача таркибий қисмлари, автомобиль ёқилғиларининг экологик ва фойдаланиш хусусиятлари ҳамда турли лаборатория тадқиқотлари ва саноат синовлари натижалари таҳлил қилинди. АИ-маркали ёқилғиларни кимёвий таркибини аниқлаш усуллари ва уларни таснифланиши мезонлари ўрганилди.

ТИФ ТНда автомобиль АИ-маркали ёқилғилари бешинчи бўлим, 2710 товар позициясида жами 6 та позициясини ташкил қилиб, унинг таркиби, кўрсаткичларида 4 та кимёвий параметрлар асосий мезон қилиб олинган. Дистиллатлар тури, бензин турлари, мавсумий фойдаланиши бўйича, марка индекси, кимёвий таркиби ва миқдори бўйича қисмларга тақсимланган.

Тадқиқот ишида автомобиль бензинини халқаро стандарт, экологик талаблар, физик-кимёвий хусусиятлари нуқтаи назаридан ўрганганимизда юқори экологик синфга жавоб берадиган, юқори октонли бензин маҳсулотларини ишлаб чиқариш тенденцияси илгари сурилаётганлиги, кимёвий таркиби хусусиятларида кўрғошин концентрацияси миқдорини камайганлигини учратишимиз мумкин.

ТИФ ТНда бензиннинг кимёвий таркиблари бўйича таснифлашда юқорида келтирилган бир қанча асосий мезонларига эътибор қаратиш ва уларни божхона мақсадлари учун таснифлашнинг қуйидаги 4-жадвалда умумлаштирилган параметрлари таклиф этилди. Моторли ва тадқиқот усулларида АИ-маркали бензинлар учун октанлар сони, амалдаги ТИФ ТН код рақамлари, (тадқиқот усули), таркибидаги кўрғошинлар сони, олтингугурт миқдори, ҳамда биз томонимиздан таклиф этилаётган ТИФ ТН кодлари кетма-кетлиги келтирилди.

Автомобиль бензинининг хусусиятларига қўйиладиган талабларда 21 дан ортиқ кимёвий таркибидан атиги асосий 3 та параметр қиймати билан ТИФ ТН бўйича товарнинг аниқ кодини белгилашимиз ва уни таклиф этишимиз учун асос бўлади.

Енгил автотранспорт воситалари учун АИ-маркали ёқилғилари учун таклиф этилаётган ТИФТН код рақамлари

№	АИ-маркали бензин турлари	Октанлар сони		Амалдаги ТИФ ТН код рақамлари (таджикот усули)	Таркибидаги кўрғошинлар миқдори	Олтингугурт миқдори	Таклиф этилаётгантовар коди (мотор усули)
		Мотор усули	Таджикот усули				
1.	Нормал – АИ-80 (AI-80-Low octane motor gasoline)	76	-		0,013 г/л дан кўп эмас	0,05 % дан кўп эмас	271012410 11
			80	1. 2710124110- Бензин автомобильный неэтилированный АИ-80 летний 2. 2710124120 - Бензин автомобильный "АИ-80-К2-Л", O'zDSt 3031:2015 3. 2710125100 - Бензин марки аи-80 гост 39.3-203.2004 с удельным весом	6,50 мг/дм дан кўп эмас		-
					5 мг/дм дан кўп эмас		
2.	Регуляр – АИ-91 (AI-regular motor gasoline)	82,5			0,013 г/л дан кўп эмас	0,1 % дан кўп эмас	271012410 21
			91	2710124120			-
3.	Премиум – АИ-92(AI-Regular motor gasoline)	83			0,013 г/л дан кўп эмас	0,05 % дан кўп эмас	271012410 31
			92	1. 2710124100 (АИ-92 К2) 2. 2710124130 (АИ-92-К5)	0,013 г/л дан кўп эмас; 0,24 г/л дан кўп эмас 0,010 г/дм3; 5 мг/дм дан кўп эмас		-
4.	АИ-93 (AI-93 regular motor gasoline)	-	93	2710124190	0,013 г/л дан кўп эмас; 0,37 г/л дан кўп эмас	0,1 % дан кўп эмас	
5.	Супер – АИ-95 (АИ-95-premium motor gasoline)	85					
			95	2710124500	0,013 г/л дан кўп эмас		-
6.	Супер – АИ-95 (АИ-95-Extra motor gasoline)	85					
			95	2710124500	-	0,05 % дан кўп эмас	
7.	АИ-96 (Премиум Euro-95/4)	85	96				271012450 01
8.	Экстра – АИ-98	88			0,50 дан кўп эмас		271012490 01
			98	2710124900		-	
9.	ЭКТО – АИ-100	100 гача		2710124900			-
			100,4	бошқалар			271012590 01

Тадқиқот натижаларининг иқтисодий самарадорлиги

ТИФ ТНда автотранспорт воситаларини таснифланиши, двигатель иш ҳажмидан ҳамда автотранспортнинг нархидан келиб чиқиб, двигатель от кучи 1500 см³ дан 1800 см³ гача ёки 1800 см³ дан 2300 см³ гача бўлган автотранспорт воситаларининг барчаси битта ТИФ ТН коди билан таснифланади.

Масалан, “Spark”, “Nexia R3”, “Cobalt” ҳамда “Lacetti” автомобиллари ҳар хил техник тавсифга эга бўлиб, бозордаги харид нархлари ҳам турлича бўлишига қарамай битта ТИФ ТН коди билан таснифланади.

Республикамизга импорт бўлган транспорт воситаси учун ундириладиган божхона тўловларини бир нечта мисоллар кесимида кўрамыз.

Масалан, Россия Федерациясидан божхона қиймати 13 000 АҚШ долларига тенг бўлган 2018 йилда ишлаб чиқарилган LADA VESTA русумли енгил автомобиль олиб келинди. Ушбу автомобилга нисбатан келиб чиқиш сертификати тақдим этилган тақдирда эркин савдо зонасини яратиш тўғрисидаги битимга мувофиқ импорт божи 0 ставка, акциз солиғи эса 2% қилиб белгиланган, ҚҚС 20% ва 0.2% (25 АҚШ доллардан кам эмас 3000 АҚШ доллардан кўп бўлмаган) божхона йиғимлари ундирилди.

Россия Федерациясидан қиймати **13 000 АҚШ долларига** тенг автомобиль келиб чиқиш сертификати тақдим этилган ҳолатда импорт қилинди ва жами **24 855 480 сўм** божхона тўловлари ҳисобланган. Шунингдек, **2 та** ҳолатда эса, БЮДда енгил автотранспорт воситаларининг ТИФ ТН коди нотўғри таснифланганлиги аниқланиб, **917 млн. сўм** қўшимча божхона тўловлари ундирилган.

ХУЛОСА

Диссертация иши бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидагича умумий хулосалар шакллантирилган:

1. Хорижий мамлакатларда ишлаб чиқариладиган автомобилларнинг асосий техник хусусиятлари ва таснифланиши таҳлил қилинди. Маълум бўлдики, автомобилларни ягона ТИФ ТН бўйича таснифланиш тизимини такомиллаштириш талаб этилади.

2. Енгил автотранспорт воситасининг кенг тарқалган характеристикаларини иерархик таснифлаш, фасет ва тавсифловчи, маълумотлар таҳлилидан фойдаланиш орқали аниқликни ошириш, иқтисодий хавфнинг миқдорини аниқлаш ва божхона назорати мувозанатини таъминлаш усулларига асосланиб, 4 босқичли тоифалаш усуллари ишлаб чиқилди ва ДБҚ ЯААТга модул сифатида қўллаш мақсадга мувофиқлиги тавсия этилди.

3. Миллий ишлаб чиқарилаётган учкунли ўт олдириш “Nexia R3” енгил автомашинасининг (*двигатель иш сизими учун 1485 см³*) - 87032210902, “Cobalt” енгил автомашинасининг (*двигатель иш сизими учун 1485 см³*) - 87032210903, “Lacetti” енгил автомашинаси (*двигатель иш сизими учун 1485 см³*) - 87032210904 янги код рақамлари Давлат божхона қўмитасига тавсия этилди.

4. Вариацион ёндошув асосида енгил автотранспорт воситаларининг хусусиятлари бирламчи маълумотларини идентификациялаш алгоритми ишлаб чиқилди. Ушбу алгоритм тизимда бошқариш жараёнлари сифатини ошириш имконини беради.

5. Товарлар номенклатураси асосида енгил автотранспорт воситалари хусусиятларини таснифлашнинг автоматлаштирилган модели, товар тавсифида бирламчи маълумотлар жамланмаси ишончлигини таъминлаш модели ва алгоритми ишлаб чиқилди. Олинган ушбу модел ва алгоритмлар БЮДнинг 31, 33-графаларида маълумотларни мантиқий боғлиқлигини ва узвийлигини таъминловчи инсон омилисиз автоматик бошқариш имконини беради.

6. Тадқиқот ишида автомобиль бензинини халқаро стандарт, экологик талаблар, физик-кимёвий хусусиятлари нуқтаи назаридан ўрганилди. “Моторли” ва “Тадқиқот” усулларида АИ-маркали ёқилғилар учун октанлар сони, амалдаги ТИФ ТН код рақамлари (тадқиқот усули), таркибидаги кўрғошинлар ва олтингугурт миқдори ҳамда автомобиль бензини хусусиятларига қўйиладиган 21 дан ортиқ кимёвий таркиби бўйича талабларнинг 3 та параметри асосий мезонлари асосида ТИФ ТН бўйича 27101241011, 27101241021, 27101241031, 27101245001, 27101249001, 27101259001 жами 6 та янги код рақамлари ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этиш учун тавсия этилди.

7. Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган енгил автотранспорт воситаларини таснифлашнинг тоифалашган усули асосида БЮДнинг 31, 33, 35, 38, 41, 44, 47-графаларида маълумотлар узвий занжир тўри асосида таснифлашнинг ягона модели шаклланди. Натижада инсон омили аралашувисиз, минимал хатоликсиз ва қисқа муддатларда мазкур товарларни божхонада расмийлаштиришга эришилди. Давлат божхона қўмитасига амалиётга тадбиқ этиш учун тақдим этилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАМОЖЕННЫЙ ИНСТИТУТ ГОСУДАРСТВЕННОГО
ТАМОЖЕННОГО КОМИТЕТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

ХАМРОЕВ УЛУГБЕК РУСТАМОВИЧ

**РАЗРАБОТКА СИСТЕМЫ КЛАССИФИКАЦИИ ЛЕГКОВЫХ
АВТОТРАНСПОРТНЫХ СРЕДСТВ И ТОПЛИВА ПО ТОВАРНОЙ
НОМЕНКЛАТУРЕ**

02.00.09 – Химия товаров

**05.01.08 – Автоматизация и управление технологическими
процессами и производствами (технические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СТЕПЕНЬ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована под номером В2021.1.PhD/T1781 Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан

Диссертация выполнена в Таможенном институте Государственного таможенного комитета и Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу www.tkti.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научные руководители: Каримкулов Курбонкул Мавланкулович
доктор технических наук, профессор
Севинов Жасур Усмонович
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты: Баратов Дилшод Хамидуллаевич
доктор технических наук, доцент
Абдугафуров Ибрагимджан Азизович
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация: Андижанский государственный университет

Защита диссертации состоится «20» 05 2021 года в «10⁰⁰» часов на заседании Разового Научного совета DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г.Ташкент, Шайхонтохурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21, факс : (+99871) 244-79-17; e-mail: tcti_info@edu.uz.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № 104 с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (адрес: 100011, г.Ташкент, ул. А.Навои, 32). Тел.: (+99871) 244-79-20.

Автореферат диссертации разослан «10» 05 2021 года.
(реестр за № 11 от «10» 05 2021 г).



 **Х.Л.Пудатов**
Председатель разового научного совета
по присуждению ученых степеней д.х.н., профессор

 **Ф.Б.Игитов**
Ученый секретарь разового научного совета
по присуждению ученых степеней, PhD, доцент

 **Д.А.Рахимов**
Председатель разового научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. При расширении ассортимента новых видов продукции в мире особое внимание уделяется характеристикам товаров для таможенных целей, их функциям, свободному перемещению в международных экономических отношениях, правовой защите посредством классификации, идентификации соответствующего товарного кода. В этой сфере разработка системы классификации на основе товарной номенклатуры внешней экономической деятельности (ТН ВЭД) и автоматизация данного процесса считается одним из важных вопросов. Исходя из этого, одной из важных задач является разработка эффективных методов и алгоритмов классификации и определения характеристик транспортных средств и топлива как товара, его функции, химического, физико-химического состава, идентификация соответствующего кода товара для таможенных целей на основе ТН ВЭД.

В мире проводятся научно-исследовательские работы, направленные на идентификацию особенностей товара на основе ТН ВЭД, их классификацию, определение классификационного кода, решение задач по пошлинно-тарифному и нетарифному регулированию внешней экономической деятельности, а также создание универсального подхода их оценки. В связи с этим уделяется особое внимание анализу факторов, которые являются причиной низкого взимания таможенных пошлин в госбюджет при классификации легковых автомобилей по ТН ВЭД, созданию автоматизированной системы классификации на основе характеристик легковых автомобилей и критериев топлива марки АИ, разработке в международных экономических отношениях системы классификации товарных свойств на основе гармонизированной системы Всемирной таможенной организации, методов и алгоритмов определения товарного кода без человеческого фактора, а также применению в таможенной практике.

Достигаются научные и теоретические результаты по резкому упрощению таможенных процедур, созданию благоприятных условий для международной торговли, созданию систем для участников ВЭД, которые приводят к систематическому упрощению процесса таможенного оформления при перевозке товаров и товарных средств через таможенную границу нашей Республики.

В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены важные задачи, направленные на «...дальнейшее совершенствование осуществления экспортно-импортных операций, сокращение времени регистрации, количества необходимых документов и затрат». ² Для реализации этих задач участникам ВЭД необходимо ускорить процесс электронного таможенного оформления товаров, предоставить им удобные экспресс методы, разработать систему на

² Указ Президента Республики Узбекистан № 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

основе ТН ВЭД точно и безошибочно классифицировать товары, методы и алгоритмы классификации.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», №УП-5582 от 2 ноября 2018 года «О дополнительных мерах по совершенствованию таможенного администрирования и увеличению эффективности Государственной таможенной службы Республики Узбекистан», №УП-6005 от 5 июня 2020 года «О реформировании таможенного администрирования и совершенствовании деятельности Государственной таможенной службы Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по ускорению развития химической промышленности в Республике Узбекистан» и других нормативно-правовых документах, относящихся к этой деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выполнено в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий Республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии» и IV. «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

